

“ЎзРТХБ” АЖ Бошқарувининг

2020 йил 27 майдаги 60-сонли баённомасига

“ЎзРТХБ” АЖ
Юридик хизмати томонидан
2020 йил «__» майда
_____ сон билан рўйхатга олинган

“ЎзРТХБ” АЖ Бошқарувининг
2020 йил 27-майдаги 60-сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

_____ **З.Бадриддинов**

«ЎзРТХБ» АЖ биржа аъзолари фаолияти самарадорлигини баҳолаш
бўйича рейтинг тизими тўғрисида
НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу «Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси» АЖ биржа аъзолар фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича рейтинг тизими тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 мартадаги 170-сонли «Товар хом ашё биржалари фаолиятига илғор ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва электрон тижорат фаолиятини изчил ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори, шунингдек «ЎЗРТХБ» АЖда биржа савдолари Қоидалари асосида ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низомнинг мақсади биржа аъзоларининг рейтинги, фаолияти натижаларини мунтазам, комплекс ва ҳолис баҳолаш, кейинчалик уларни рўйхат бўйича – юқори коэффициентдан қуйига қараб тартибга солиш тизими тушунилади.

II. Рейтинг тизимининг мақсади ва унинг вазифалари

3. Рейтинг тизимининг мақсади бу, биржа аъзоларининг ҳақиқий ҳолати тўғрисида ҳолис маълумотга эга бўлиш ва олинган маълумотларга асосан уларнинг фаолиятини такомиллаштириш ҳамда биржа савдолари миқдорларига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

4. Рейтинг бўйича баҳолашнинг асосий вазифалари:

- миқдорларга хизмат кўрсатиш сифат даражасини биржа аъзолари орқали аниқлаш;
- биржа аъзолари ва унинг трейдерларини касбий малакаларини такомиллаштириш;
- биржа аъзолари фаолияти бўйича маълумотлар базасини шакллантириш;
- биржа аъзолари ва унинг трейдерларини ишлаш даражасини баҳолаш учун ягона мезонлар мажмуасини ташкил этиш.

III. Рейтингни аниқлаш механизми

5. Рейтинг баҳолаш махсус электрон модулда биржа аъзоларининг трейдерлари фаолияти бўйича маълумотларни қайта ишлаш натижалари бўйича амалга оширилади.

6. Биржа аъзоларининг рейтинг баҳоларини аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлар инобатга олинади:

- фаол трейдерлар сони;
- биржа аъзосининг иш тажрибаси (аккредитациядан кейинги);
- жарима ва жазоларнинг мавжудлиги;

- биржа савдоларида республика ичида амалга оширилган шартномалар суммаси (харидор);

- биржа савдосиларида амалга оширилган ташқи савдо шартномалари суммаси. (харидор).

7. Ҳар бир кўрсаткич бўйича ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ баллар қўйилади.

8. Биржа аъзосининг рейтингининг якуний қиймати ҳар бир кўрсаткич бўйича биржа аъзоларига берилган баллар йиғиндиси бўйича аниқланади.

9. Рейтинг натижалари ҳар чорак якунидан сўнг кейинги ойнинг 20 санасига қадар электрон модулда автоматик тарзда шакллантирилади ва аниқланади:

1 чорак якуни бўйича;

1 яримйиллик якуни бўйича;

9 ойлик якуни бўйича;

йил якуни бўйича.

10. Рейтинг баҳолаш натижалари биржа аъзоларининг жадвали кўриниши расмийлаштирилади ва рейтинги бўйича юқоридан қуйига қараб пасайиб бориши принципида жойлаштирилади.

- Ягона Республика рўйхати кўринишида.

- Минтақавий (худудий) бўлим рўйхати кўринишида.

11. Биржанинг рейтинг бўйича масъул таркибий тузилмаси – маклериат ҳисобланиб, у рейтинг механизмини мувофиқлаштирувини таъминлайди ва биржа бошқарувининг розилиги билан янгиланишлар киритади.

IV. Моддий ва маънавий рағбатлантиришлар

12. Рейтинг баҳолари натижалари расмий веб-сайтда (www.uzex.uz) автоматик тарзда, шунингдек оммавий ахборот воситаларида чоп этилади.

13. Ҳар чорак якуни рейтинг натижалари бўйича республика ва худудий рейтингда биринчи ўринни эгаллаган биржа аъзоси «Республиканинг (вилоятнинг) энг яхши биржа аъзоси» белгиси берилади. Шу жумладан «ЎзРТҲБ» АЖ бошқарувининг қарорига асосан биржа номидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишлари мумкин.

Тасдиқланган кўрсаткичлар бўйича балларни белгилаш

№	Кўрсаткич	Бал	Балларни ҳисоблаш тартиби
1	Биржа аъзосининг иш тажрибаси (аккредитацияда н кейинги)	Ҳар бир ишланган йил учун 2 бал	Рейтингни ўтказиш вақтига
2	Фаол трейдерлар сони	Ҳар бир трейдер учун 1 бал	Рейтингни ўтказиш вақтига
3	Жазо ва жарималарнинг мавжудлиги: - 6 ойга четлаштирилган учун - ҳар бир жарима учун (штраф)	-3 бал -1 бал	Рейтингни ўтказиш вақтига
4	Биржа савдоларида республика ичида амалга оширилган шартномалар суммаси (харидор)	Барча тузилган шартномалар ҳажмига нисбатан ҳар бир тузилган шартнома суммаси фоизидан 0,3 бал (ягона республика/худудий)*	Рейтингни ўтказиш вақтига
5	Биржа савдосиларида амалга оширилган ташқи савдо шартномалари суммаси. (харидор)	Барча тузилган шартномалар ҳажмидан ҳар бир фоизи учун 1 балдан (ягона республика/худудий)**	Рейтингни ўтказиш вақтига

* автоматик модуль учун формула: мижоз битимлари суммаси * 100 / барча битимлар суммаси * 0,3

** автоматик модуль учун формула: мижоз битимлари суммаси * 100 / барча битимлар суммаси * 1

бунда при этом ҳудуд бўйича баҳолашда ушбу ҳудуддаги барча биржа битимлари
олинади